

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.PED.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БОБОМУРОДОВ НОРПУЛАТ ШИРИНОВИЧ

**ТУРОН ЯККАКУРАШЧИЛАРИНИНГ СПОРТ ТАКОМИЛЛАШУВИ
БОСҚИЧИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчик – 2019

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Бобомуродов Норпулат Широнович

Турон яккакурашчиларининг спорт такомиллашуви босқичидаги жисмоний
тайёргарлиги хусусиятлари.....5

Бобомуродов Норпулат Широнович

Особенности физической подготовки единоборцев по турону на этапе
спортивного совершенствования.....27

Bobomurodov Norpulat Shirinovich

The particularities of physical preparations on Turon singlefighters at the stage of
sport perfections51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.PED.28.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

БОБОМУРОДОВ НОРПУЛАТ ШИРИНОВИЧ

**ТУРОН ЯККАКУРАШЧИЛАРИНИНГ СПОРТ ТАКОМИЛЛАШУВИ
БОСҚИЧИДАГИ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Ped443 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uz-diti.uz ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Дилбар Джамааловна
биология фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Керимов Фикрат Азизович
педагогика фанлари доктори, профессор

Қодиров Эркин Ибрагимович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “_____” соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй. Тел: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий А биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19-уй).

Диссертация автореферати 2019 йил “_____” _____ кун тарқатилди.
(2019 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Д.Халмухамедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, п.ф.б.ф.д.

Б.Б.Мусаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда олимпия ҳаракати жадал ривожланиб бораётган бир даврда миллий спорт турларини ривожлантиришга ҳам давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг кўпгина давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, миллий спорт турларини ривожлантириш халқ анъаналари ва кадриятларини сақлаб қолишга, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, саломатликни муҳофаза қилишга хизмат қилмоқда. Дунё тажрибасидан маълумки, қадимдан халқларнинг жанговар санъати ва яккакурашлари сифатида пайдо бўлган бокс, юнон-рум кураши, қиличбозлик, дзюдо, каратэ, таэквондо, муайтай, ушу каби яккакурашлар ҳозирги кунда дунёда кенг тарқалган спорт турларига айланган. Турон яккакураши ҳам миллий кадриятларни сақлаб қолган ўзбек миллий спорт тури сифатида халқаро спорт майдонидан муносиб ўрин эгалламоқда.

Жаҳонда яккакураш спорт турларида рақобат кескин ўсиб бораётган бир пайтда яккакурашчилар организмининг энг муҳим морфофункционал тизимлари ҳолати тўғрисидаги объектив маълумотларни таҳлил қилиш ва шунинг асосида улар тайёргарлигининг турли томонларини оптималлаштириш муаммоси ўта долзарб ҳисобланади. Тайёргарлик тизимини индивидуаллаштириш, спортчиларнинг индивидуал хусусиятларига мос воситалар ва услубларни қўллаш, машғулот дастурларини тузишда воситаларни оқилона танлаш, спортчилар организмининг морфофункционал кўрсаткичлари маълумотларидан фойдаланиб, жисмоний тайёргарлигини такомиллаштириш жараёнини бошқариш каби масалалар долзарб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда турон яккакураш спорт турига 1993 йилда асос солинган бўлиб, унинг негизида Амир Темур даври жангчиларининг маҳорати, қадимий Ўзбекистон яккакурашининг турлари, шакллари ва услублари элементлари ётади. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири “Ўзбекистоннинг миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш ҳамда оммалаштириш учун шарт-шароитлар яратиш” ҳисобланади¹. Ўзбекистонлик яккакурашчилар йирик халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришмоқдалар. Эътироф этиш жоизки, ҳозиргача турон яккакураш спорт тури бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмаган. Ўзбекистонда турон яккакураши хусусиятлари ва унинг бошқа миллий ҳамда халқаро кураш турлари билан боғлиқлиги ва аҳамияти ўрганилмаган, турон бўйича ихтисослашувчи спортчиларнинг умумий ва махсус жисмоний ишчанлик қобилиятининг педагогик, морфологик, физиологик хусусиятларини таҳлил қилишга бўлган комплекс ёндашув етарлича ишлаб чиқилмаган. Бу ҳолат шундан далolat берадики, Ўзбекистонда турон яккакураши бўйича чуқур илмий тадқиқотлар ва

¹Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги ЎРҚ-394-сонли Қонуни Lex.uz

изланишлар олиб борилмаган, айнан шу ҳолат мазкур тадқиқотларнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 4 сентябрдаги ЎРҚ-394-сон “Жисмоний тарбия ва спорт” тўғрисидаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги ПФ-2821-сон “Ўзбекистон спортчиларини 2020 йилда Токио шаҳрида (Япония) ўтказиладиган XXXII Олимпия ўйинлари ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сон “Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши бўйича амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавзуга оид илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилганимизда шу нарса аён бўлдики, ҳозирги пайтда яқкакураш спорт турларидан юнон - рум кураши, самбо, дзюдо, эркин кураш кўпроқ ўрганилган ихтисосликлар ҳисобланади, А.А.Карелин, Чой Сунг Мо, В.Б. Уруймагов, Р.З.Камалов, А.Л.Похачевский, В.А. Абраменко, Е.А. Якимова ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган².

Ўзбекистонда кураш миллий спорт турлари, жумладан, белбоғли кураш, миллий кураш бўйича ишлар бажарилган бўлиб, уларнинг аксарияти ёш курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлигини такомиллаштиришга бағишланган. Хусусан, Ф.А.Керимов, Р.Д.Халмухамедов, А.Н.Абдиев, Н.А.Тастанов, Ш.А.Мирзақулов³ ва бошқа етакчи мутахассисларнинг

²Карелин А.А. Система интегральной подготовки квалифицированных борцов: / дис. докт. пед. наук // НГУ физ. культ., спорта и здоровья – Санкт - Петербург Т.1., 2002 - 376 с; Чой Сунг Мо Скоростно-силовая подготовка в боевых искусствах / Чой Сунг Мо- Неоглори, 2009, 270 с.; Уруймагов В.Б. Специальная силовая подготовка в спортивных единоборствах высококвалифицированных борцов греко-римского стиля тяжелых весовых категорий / автореферат канд. пед. наук: 13 00 04, Адыгейский Гос. Университет. - Майкоп. 2009 – 23 с.; Камалов Р.З. Теоретические основы ситуационного подхода в практике и теории спортивных единоборств // Наука и спорт: современные тенденции 2017, том 15, №2, стр. 17 – 27; Похачевский А.Л. Восстановление физической работоспособности квалифицированных борцов самбистов в годичном цикле подготовки. // Ученые записки Унив-та имени П.Ф.Лесгафта, 2011, -№11, (81), с. 126-130; Абраменко В.А. Методика специальной силовой подготовки квалифицированных борцов греко-римского стиля / Автореф. дис. канд.пед.наук., Московская Гос. Академия физ. культуры., Малаховка, 2012 - 24 с; Якимова Е.А. Оптимизация тренировочно-соревновательного процесса борцов греко-римского стиля на основе биомеханических критериев / Е.А. Якимова, А.О.Сурков // ScienceTime – 2015/ вып. / 11 (23) – с. 634;

³Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усуляти. - Т: ЎзДЖТИ, 2001.-286; Халмухамедов Р.Д. – Динамика показателей общей физической подготовленности юных борцов на этапах подготовки. // Теория и практика физической культуры и спорта, Москва , 2008. - С. 53-54 Тастанов Н. Абдиев А, Боймуродов И. Греко-римская борьба,Т.,2007,. Mirzagulov SH. A. Belbog’l kurash nazariyasi va uslubiati // O’g’uv go’llanma T. 2014, 160 b.

фикрича, спорт такомиллашуви босқичида яккакурашчиларнинг махсус ҳаракат сифатларини ривожлантириш катта аҳамиятга эга.

Кураш бўйича машғулотлар услубиятини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш масалалари Ш.С.Мирзанов, Т.Р.Ишмухамедов, Б.Х.Саидов, И.Х.Боймуродов, Б.Каримов илмий изланишларида тадқиқ қилинган⁴.

Г.С.Туманян машғулот воситалари ва услубларини муносиб танлаш, шахсий мусобақа тавсифларини аниқлаш, машғулот жараёнини режалаштириш ва унинг боришини назорат қилиш йўли орқали индивидуаллаштириш тамойилига риоя қилиш ўта муҳимлигини эътироф этади⁵. Шу билан бирга, муаллиф қайд этадики, “юқори малакали курашчиларнинг индивидуал тайёргарлиги стратегияси муаммосини янада кенгроқ ишлаб чиқиш тадқиқот услублари комплекслари ёрдамида амалга оширилиши керак”.

Шу сабабли яккакураш турлари орасида турон яккакураш спорт тури кам ўрганилган бўлиб, бу ерда бир қатор масалалар ҳозиргача ҳал этилмаган. Ўтказилган илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, яккакураш турлари бўйича кўпгина ишлар жисмоний тайёргарликни, шунингдек, техник, тактик ва психологик тайёргарликни ўз ичига олувчи спорт машғулотларини бошқаришнинг методологик жиҳатларига бағишланган. Бунга А.Н.Панков, С.П.Рябинин, М.Р.МсGuigan, А.Л.Корженевский, А.Б.Таймазов ишларини мисол қилиш мумкин⁶. Яккакураш спортининг барча турлари чидамликнинг намоён қилиниши билан боғлиқ бўлганлиги сабабли спортчининг махсус тайёргарлигини ривожлантиришга қаратилган у ёки бу машқларнинг самарадорлиги тўғрисидаги масала долзарблигича қолмоқда. Ўзбекистонда турон яккакураш спорт тури бўйича чуқур илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Турон, яккакураш спорт тури сифатида, вазиятли спорт тури бўлиб, у ҳаракат амалларининг вариантли таркиби билан ифодаланади. Шунинг учун махсус кучни ривожлантиришга йўналтирилган машқларни танлашда уларнинг таркиби ва тузилишини инобатга олиш ва келгусида керакли тузатишлар киритиш талаб қилинади. Бундай машқларнинг танлаб олиниши жисмоний қобилиятларни ривожлантириш тамойилларига мувофиқ амалга оширилади. Ҳозирда бу тамойиллар яхши

⁴Мирзанов Ш.С., Ишмухамедов Е.Р. Методика силовой подготовки юных белбогли курашистов //Фан – спортга, Т., 2014, №3, стр. 3-9 Саидов Б.Х. Турон яккакурашида мусобақаларни ўтказиш қодалари. -Т.: Shams -ASA, 2005. Боймуродов И.Х., Каримов Б. Использование метода круговой тренировки в подготовке квалифицированных курашистов /Материалы Межд. Научно-практической конференции «Актуальность традиционных видов спорта и игр в защите нации» Т., 22-24 октября, 2009, стр.97.

⁵Туманян Г.С. Спортивная борьба. Учебное пособие. - М.:Советский спорт, 2000.-384 с.

⁶Панков А.Н. Специальная физическая подготовка в видах спортивных единоборств / А.Н. Панков , А.О. Аюпян //Теория и практ. физ. культуры – 2004, №4.- стр. 50 Рябинин С.П. Скоростно-силовая подготовка в спортивных единоборствах учебное пособие /С.П.Рябинин, А.П.Шумилин; Сибирский Федеральный университет – Красноярск, 2007, -153 с. McGuigan M.R. Relationship between isometric and dynamic strength in recreation ally tramed men/ McGuigan M.R. ,J.B.Winchester, Т Ericson // Journal of Strength and Conditioning Reseach – 2010, Vol. 27, N9, P-2570 - 2573 Корженевский Адаптация борцов к соревновательным нагрузкам //Вестник спортивной науки, 2017, №3, стр. 41-44 Таймазов А.Б. Индивидуализация технико- тактической подготовки спортсменов высокого класса в современной вольной борьбе //диссер-ция канд...пед.наук., 13 00 04 НГУ физ. культуры, спорта и здоровья, имени Лесгафта Санкт –Петербург, 2017, - 156 с.

ишлаб чиқилган, лекин улар спортчилар организмнинг ҳар хил тайёргарлик босқичларида бажариладиган жисмоний юкламаларга бўлган жавоб реакцияларини инобатга олмайди. Бугунги кунда морфологик, физиологик кўрсаткичларни махсус ва умумий тайёргарлик мезонлари билан боғлиқликда комплекс ҳолда баҳолаш ҳамда таҳлил қилиш асосида амалга оширилган тадқиқотлар йўқ. Бундай ёндашув машғулот жараёнини бошқаришга ёрдам беради, чунки жисмоний юкламаларнинг таъсир қилиш катталиги ва йўналишини боғлаб турувчи техник параметрларнинг ўзгариш динамикасини баҳолаш спортчилар организмнинг мослашиш имкониятларини ҳам акс эттиради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Яккакураш спорт турларида техник-тактик тайёргарлик ва спорт машғулотларининг илмий-педагогик асослари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади спорт такомиллашуви босқичидаги турон яккакурашчиларининг морфофункционал тавсифларини ҳисобга олган ҳолда умумий ва махсус ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган жисмоний тайёргарлиги хусусиятларини назарий ва амалий жиҳатдан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турон яккакураш спорт турига хос бўлган хусусиятларни таҳлил қилиш, миллий, шунингдек, халқаро кураш турлари билан ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи 16-19 ёшдаги турон яккакурашчиларининг вазн тоифаларини ҳисобга олган ҳолда антропометрик кўрсаткичлар асосида ҳар бир вазн тоифасига хос жисмоний ривожланиш хусусиятларини аниқлаш;

турон спорт турида ихтисослашаётган спорт такомиллашуви босқичидаги яккакурашчиларнинг умумий ва махсус ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган тажриба дастурини ишлаб чиқиш ва йиллик тайёргарлик цикли давомида тавсия этилган машқланиш турлари ва машғулот воситаларининг энг мақбул нисбатларини (сони, вақти, ҳажми) аниқлаш;

спорт такомиллашуви босқичидаги турон яккакурашчиларининг функционал ҳолатини баҳолаш, физиологик ёндашув асосида нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун спортчиларнинг истикболини башорат қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турон яккакурашчиларининг спорт такомиллашуви босқичидаги умумий ва махсус тайёргарлигининг ривожланиш динамикаси олинган.

Тадқиқотнинг предмети морфологик ва физиологик кўрсаткичлар асосида ишлаб чиқилган тажриба дастуридан фойдаланиб турон

яккакурашчиларнинг жисмоний тайёгарлигини такомиллаштириш воситалари ва услублари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-услубий адабиётларни назарий таҳлил қилиш ва умумлаштириш, анкета сўровномаси, педагогик кузатувлар, морфологик ва физиологик тадқиқот услублари, педагогик тестлаш, педагогик тажриба, математик статистика услублари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор турон яккакураш спорт турига хос бўлган хусусиятлар, унинг миллий ва халқаро кураш турлари билан ўзаро ўхшаш (ушлаб олишлар, ташлашлар, ағдаришлар, оёқлар билан илиш, чалиш, кўтариб юбориш усуллари) ва фарқли жиҳатлари (оғритиш, бўғиш усуллари, зарбалар) аниқланган;

илк бор спорт такомиллашуви босқичида шуғулланаётган 16-19 ёшдаги турон яккакурашчиларининг вазн тоифаларини ҳисобга олган ҳолда антропометрик кўрсаткичлар асосида ҳар бир вазн тоифасига хос жисмоний ривожланиш хусусиятлари аниқланган;

турон спорт турида ихтисослашаётган спорт такомиллашуви босқичидаги яккакурашчиларнинг умумий ва махсус ҳаракат сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган йиллик тайёргарлик цикли давомидаги машқланиш турлари ва машғулот воситаларининг энг мақбул нисбатлари (сони, вақти, ҳажми) аниқланган;

спорт такомиллашуви босқичидаги турон яккакурашчиларининг функционал ҳолати баҳоланган, физиологик ёндашув асосида нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этиш учун спортчиларнинг келажақдаги истиқболи башорат қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

яккакурашчилар тана тузилишининг ахборотли морфологик белгилари вазн тоифалари бўйича тақдим этилган бўлиб, улардан спортга саралашда фойдаланиш мумкин;

тажриба дастури асосида ташкил қилинган машғулот жараёнининг 3 та вазн тоифаси бўйича яккакурашчилар махсус ҳаракат сифатларининг ривожланиш суръатларига ижобий таъсир қилганлиги исботлаб берилган;

физиологик тадқиқот услублари асосида яккакурашчиларнинг функционал ҳолати баҳоланган. Кардиореспиратор тизим кўрсаткичлари асосида спортчиларнинг истиқболи ва уларнинг захира имкониятлари башорати амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий назариялар, спорт амалиётида мавжуд қоидаларнинг назарий жиҳатдан асосланганлиги, тадқиқотнинг илмий ташкил этилганлиги билан тасдиқланади. Қўлланилган тадқиқот услублари комплексли тадқиқот олдига қўйилган вазифаларга мос келади, катта далилий материалларнинг юқори даражадаги ишончлилиги, тўғри ишлаб чиқилганлиги, таҳлил қилинганлиги ва талқин этилганлиги билан изоҳланади. Олинган натижаларнинг тўғрилиги ва ишончлилиги аниқ ҳамда ишончли педагогик

ҳамда кўшимча ўзаро тўлдирувчи тадқиқот услублари сифатида тиббий-биологик услубларнинг қўлланилганлиги билан таъминланган. Тадқиқот натижалари математик статистика услублари ёрдамида ишлаб чиқилган, ишончлилик даражаси, ўртача квадрат оғиш ҳисобланган, А.А.Толаметов, Б.Акбаров (2010) китобида баён қилинган формулалар бўйича корреляцион таҳлилдан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўтказилган педагогик ва тиббий-биологик тадқиқотлар комплекси асосида яккакурашчиларнинг жисмоний ривожланиши тана тотал ўлчамларининг 5 та кўрсаткичи ва тана парциал ўлчамларининг 23 та кўрсаткичи асосида илк бор баҳоланган, шунингдек, жисмоний ишчанлик қобиляти 15 та физиологик тестлар ва I ҳамда II мушак юкламаларидан сўнг спортчиларнинг аэроб имкониятлари гемодинамиканинг 7 та кўрсаткичи бўйича баҳоланган. 16-19 ёшдаги яккакурашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги тузилмаси вазн тоифаларини ҳисобга олган ҳолда мусобақа фаолияти натижалари асосида аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, турон яккакураши воситаларидан, шунингдек, турдош миллий ва халқаро кураш турларида қўлланиладиган воситалардан оқилона фойдаланиш яккакурашчиларнинг жисмоний тайёргарлик бўйича тажриба дастурини ишлаб чиқиш имконини берган. Бу дастур яккакурашчиларнинг махсус ҳаракат сифатларининг ривожланиш кўрсаткичлари динамикаси ҳамда спорт натижаларининг ўсишига самарали таъсир кўрсатган. Яккакурашчиларнинг жисмоний тайёргарлиги тузилмаси аниқланган. Турон яккакураши бўйича ишлаб чиқилган ҳолатлар ва тамойиллар миллий кураш турларида ихтисослашувчи курашчиларнинг машғулотлари жараёнида мураббийлар томонидан фойдаланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турон яккакурашчиларининг спорт такомиллашуви босқичидаги жисмоний тайёргарлиги хусусиятлари юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

турон яккакураш спорт турига хос бўлган хусусиятлар, унинг миллий ва халқаро кураш турлари билан ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатлари юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Қарши ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг йиллик тайёргарлик дастурига тузатишлар киритиш асосида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 03-08-08-520-сон маълумотномаси). Натижада турон яккакурашчиларининг махсус жисмоний тайёргарлиги 12,5% га ошишига эришилган;

спорт такомиллашуви босқичида шуғулланувчи 16-19 ёшдаги турон яккакурашчиларининг вазн тоифаларига хос жисмоний ривожланиши бўйича амалий тавсиялар “Турон яккакурашчиларининг мусобақаолди тайёргарлиги” номли услубий қўлланмада ёритилган ва Қарши болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг ўқув-машғулотлари жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019

йил 23 августдаги 03-08-08-520-сон маълумотномаси). Натижада турон яккакурашчиларининг умумий жисмоний тайёргарлиги 9,2% га яхшиланган;

турон яккакурашчиларининг спорт такомиллашуви босқичидаги умумий ва махсус ҳаракат сифатларини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тажриба дастури “Турон яккакурашчиларининг мусобақаолди тайёргарлиги” номли услубий кўлланмада акс эттирилган ва Қашқадарё вилояти “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жамияти “Кураш” марказида шуғулланувчи турончиларнинг ўқув-машғулотида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 03-08-08-520-сон маълумотномаси). Натижада турон яккакурашчиларининг умумий жисмоний тайёргарлиги 10,6% га, махсус жисмоний тайёргарлиги 11,2% га ошишига эришилган;

турон яккакурашчиларининг спорт такомиллашуви босқичидаги функционал ҳолати 17 та кўрсаткичлар асосида баҳоланиб, натижалари Қарши ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатининг ўқув-машғулотида жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 03-08-08-520-сон маълумотномаси). Натижада турон яккакурашчилари томонидан халқаро мусобақаларда 2 та олтин, республика мусобақаларида 9 та олтин, 7 та кумуш, 8 та бронза медаллари қўлга киритилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий-услубий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола (4 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат. 125 саҳифа матн, 9 та расм, 8 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, мавзунинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, унда хорижий ва ватанимиз олимларининг тадқиқотлари натижалари ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот предмети ва объекти аниқлаб берилган. Бажарилган ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқот янгилиги очиб берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг аниқлиги ва ишончлилиги исботланган. Бажарилган тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти шакллантирилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш шакллари

кўрсатилган, чоп этилган ишлар, диссертация ҳажми ва тузилиши борасидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Яккакураш спортининг халқаро ва миллий турлари”** деб номланган биринчи бобида спорт фанининг назарий муаммолари таҳлилий шарҳи ўтказилган бўлиб, унинг ривожланиш методологияси аниқланган. Мазкур бобда қуйидаги масалалар муҳокама қилинган. Яккакураш спорт турларида ихтисослашаётган спортчиларнинг жисмоний қобилиятлари, яъни масаланинг назарий ва амалий жиҳатлари, яккакурашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги кўриб чиқилган, морфофункционал кўрсаткичларнинг спортга йўналтириш ва саралашдаги аҳамияти, спортчиларнинг мослашиш имкониятлари асосида уларнинг истиқболлини башорат қилиш йўллари ёритилган.

Л.И.Лубишева томонидан учта назария методологиясига асосланувчи замонавий спорт фанининг қоидалари таҳлил қилинган. Бу учта назария қуйидагилардир: жисмоний таълим ва жисмоний тарбия назарияси; жисмоний тарбия тарихи ва назарияси; Л.П.Матвеев, В.Н.Платонов, Ю.В.Верхошанский, В.К.Бальсевич ғоялари ҳамда ишлари асосига қурилган спорт назарияси.

Л.И.Лубишева шуни асослаб берадики, назарияда мавжуд айрим қоидалар ва асосий тушунчаларни қайта кўриб чиқиш масаласи кескин турган бўлиб, уларда номувофиқлик ва хато фикрлар кўзга ташланмоқда.

Л.П.Матвеев йиллик тайёргарликни даврларга бўлиш муаммосини ишлаб чиқишда ташаббускор ҳисобланади. 1960 йилда муаллиф томонидан даврлаш назариясини ривожлантиришга комплекс ёндашув ишлаб чиқилган, лекин шундай ғоя илгари сурилганки, унга мувофиқ даврланиш мавсумга ёки мусобақалар тақвимига эмас, балки “спорт формаси” чўққисига эришиш қонуниятларига боғлиқ бўлиши керак.

Мазкур бобда турон яккакураш спорт турининг миллий спорт турлари орасидаги ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги масала қараб чиқилган. Турон бўйича нашр этилган энг аҳамиятли ишлар, шунингдек, миллий спорт турларининг ривожланишига катта ҳисса қўшган ўзбек тадқиқотчиларининг (Б.Х.Саидов, А.Исломов, Б.Ҳидоят, И. Овчинников, Н.Ш.Бобомурадов) ишлари келтирилган. Ҳозирги пайтда яккакураш спорт турларининг ягона интеграциялашган тизимининг шаклланиш жараёни кетмоқда. У инсон қобилиятининг барча доирасини ўз ичига қамраб олади (Т.С.Туманян, Ф.А.Керимов, Н.А.Тастанов, А.Н.Абдиев, И.Х.Боймуродов, Д.Г.Миндияшвили, Б.А.Подливаев, Ш.Мирзанов, А.Таймурадов ва бошқ.). Бу интеграциялашган тизимда турон универсал спорт тури сифатида ўзининг ўринга эга ва у ҳеч қайси бир бошқа яккакурашларни ўрнини босмайди. Турон асосий, тайёрловчи, бокс, таэквондо, каратэ, самбо, ушу каби спорт турларига иқтидорли спортчиларни оптимал саралашни йўлга қўйишга имкон берувчи спорт тури сифатида қўлланилиши мумкин.

Махсус жисмоний тайёргарлик масаласи ҳам алоҳида қараб чиқилган. Махсус жисмоний тайёргарлик, Ю.Ф.Курамшин Л.Л.Ципин, И.Э.Барникова фикрича, юқори малакали спортчилар учун жуда катта аҳамиятга эга.

Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг услублари ва ташкил қилиниши”** деб номланган иккинчи бобида илмий-услубий адабиётлар таҳлили ва илғор амалий тажрибани умумлаштириш амалга оширилган. Бу ерда қўлланилган педагогик тадқиқот услублари, жумладан, анкета сўровномаси, педагогик тажриба натижалари келтирилган, жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаб берувчи тестлар, махсус ҳаракат сифатларининг ривожланиш даражасини акс эттирувчи машқлар уларни ўтказиш бўйича батафсил тавсиялар билан келтирилган, педагогик назорат услублари ёритилган.

Жисмоний ривожланишни баҳолаш учун антропометрик тадқиқот услубларидан фойдаланилган. Турон яккакурашчиларининг функционал ҳолати, жисмоний иш қобилияти ва аэроб имкониятлари (КМЎ, ЎТС), I ва II мушак юкламаларидан сўнг спортчиларнинг PWC₁₇₀ тести бўйича гемодинамикаси кўрсаткичларини баҳоловчи 15 та физиологик тестлар бўйича аниқланган. Қоннинг минутлик ҳажми (ҚМХ) бўйича тикланиш вақти, Гарвард степ-тести индекси (ГСТИ) кўрсаткичлари берилган. Тадқиқотларни ўтказиш йўллари батафсил баён қилинган.

Педагогик тажриба ўтказилган бўлиб, тадқиқот натижалари математик статистика услублари ёрдамида ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Турон яккакураши билан шуғулланувчи спортчиларнинг вазн тоифаларини ҳисобга олган ҳолда жисмоний ва функционал тайёргарлиги тузилмаси хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида мураббийлар ҳамда юқори малакали яккакурашчилар орасида ўтказилган анкета сўровномаси натижалари бўйича спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги тузилмаси очиб берилган.

Биз 50 нафардан иборат етакчи мураббийлар ва юқори малакали курашчилар ўртасида анкета сўровномаси ўтказдик. Улар хизмат кўрсатган мураббий унвонига ва спорт устаси унвонига эга (18 киши) мураббийлар эди. Респондентларнинг қолган қисмини Қарши давлат университетининг 12 нафар талабаси, шунингдек, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия спорт университетининг спорт устаси, спорт усталигига номзод унвонига эга 20 нафар спортчилари ташкил этди. 85% респондентлар бир хил фикр билдиришдики, турон яккакурашчиларининг тайёргарлик тузилмасида жисмоний сифатларнинг аҳамиятлилиқ даражасига кўра қуйидаги жойлашиш кетма-кетлигини ажратиш мумкин: 1-ўринда – тезкор-куч 2-ўринда - эгилувчанлик, 3-ўринда - чидамлилиқ, 4-ўринда - куч, 5-ўринда - тезлик сифатлари, 6-ўринда - морфофункционал белгилар.

Респондентлар асосли равишда тахмин қиладиларки, айнан шу жисмоний сифатлар турон яккакурашида юқори спорт натижаларига эришиш учун кўпроқ керак. Юқорида айтиб ўтилганидек, мураббийлар ва малакали спортчиларнинг фикрича, морфофункционал кўрсаткичлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тана тузилиши кўрсаткичлари, умуман олганда, функционал

кўрсаткичларсиз машғулот жараёнини тузиш нотўғри ва бефойда ҳисобланади, зеро юқорида тилга олинган кўрсаткичлар ихтисослашган малакалар ва қобилиятларни самарали такомиллаштириш мумкин бўлган умумий жисмоний тайёргарликнинг пойдеворини қуриш учун ўта зарурдир.

Анкетанинг кейинги саволига респондентларнинг жавобларини таҳлил қила туриб, ўқув-машғулот жараёнида кўп қўлланиладиган анъанавий услубларни аниқлашга ҳаракат қилдик. Бунда 65% сўралган мураббийлар бундай усуллар бошқа кураш турларида умумий қабул қилинган усуллардан кам фарқ қилишини, миллий кураш турларининг ўзи эса фақат қоидалари билан бир-биридан ажралиб туришини эътироф этганлар. 70% респондентларнинг фикрича, машқларни бажариш услубиятида такрорий, ўзгарувчан, айланма, мусобақа усуллари қўлланилади. 5% респондентлар махсус яқинлаштирувчи машқлар ва шеригини ташлашлар қўлланилади, деб ҳисоблайди. Тайёргарликнинг асосий воситалари орасида 80% яккакурашчилар ва мураббийлар устувор аҳамиятига кўра қуйидагиларни қайд этганлар: умумривожлантирувчи машқлар; махсус тайёргарлик машқлари комплекслари; турли хил сакрашлар ва сакраш машқлари; арсеналдан олинган махсус машқлар комплекси.

Турон яккакураш спорт турида ихтисослашаётган 16-19 ёшдаги яккакурашчиларнинг функционал кўрсаткичлари баҳоланди. 16-18 ёшдаги яккакурашчилар жисмоний ишчанлик қобилияти ва КМЎ кўрсаткичлари бўйича фарқ қилдилар. Ўтказилган тиббий-биологик текширувлар натижалари турон бўйича ўсмирлар терма жамоасидаги текширилган яккакурашчиларнинг катта фоизи “деярли соғлом” эканлигини кўрсатди. Текширилган 23 нафар яккакурашчилардан 10 нафари кардиореспиратор тизимининг яхши кўрсаткичлари ҳамда юқори жисмоний ишчанлик қобилиятини намоён қилди, 2 нафар ўсмирда ЭКГда нуқсонлар аниқланди, бир яккакурашчида эса артериал босим ошганлиги кузатилди. АБ, ЮҚС кўрсаткичлари тинч ҳолатда, юклама бажараётган вақтда ва 5 минут тикланишдан сўнг қайд этилди. Уларнинг катта миқдорига асосланиб, спортчининг яққол толиққанлиги ёки ортиқча машқланганлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин. Ёш спортчиларда биринчи юкламадан сўнг тик ҳолатда гемодинамика ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар қуйидагиларни аниқлаб берди: минутига 100 дан 150 зарбагача ЮҚС кўрсаткичи 12 нафар спортчида, минутига 120 зарба 9 нафарда, минутига 135-140 зарба 2 нафар яккакурашчида қайд қилинди. Иккинчи юкламадан сўнг 2 нафар спортчида ЮҚС минутига 120-130 зарба, 10 нафарида - минутига 140-150 зарба, 2 нафарида - минутига 170-180 зарба атрофида ўзгариб турди. Диастолик босимнинг ўзгариш чегараси кўп ҳолларда 80 дан 70 ва 40 гача пасаяди, айрим ҳолларда эса, аксинча, 70 дан 80 га кўтарилади ёки ўзгармайди. Ёш яккакурашчиларда юрак-қон томир тизими функциясининг тежамкорлиги тинч ҳолатда қон артериал босимининг паст кўрсаткичларида намоён бўлади. PWC_{170} тестининг биринчи юкламасидан сўнг ҚМХ кўрсаткичлари 10 нафар спортчида 4.0 дан 4,9 л/мин, яна 10 нафар спортчида 5,0 дан 5,9 л/минутни, 3

нафар спортчида эса 6,0 дан 6,9 л/минутни ташкил этди. ҚМХ кўрсаткичларининг тикланиши иккита юкламадан сўнг 3 - ёки 4-минутда аниқланди ва тинч ҳолатда дастлабки қийматга мос келди, бу юкламаларга яхши мослашиш ва юқори даражада машқланганлик тўғрисида гувоҳлик беради (1-жадвалга қаранг). ҚМХ юракнинг насос функциясининг интеграл кўрсаткичи ҳисобланади ва кўп жихатдан ЮҚС юрак қисқариш тезлигига боғлиқ. Мунтазам машғулот таъсирлари жараёнида ҚМХ ошади, бу пайтда ЮҚС пасаяди. Биз томонимиздан текширилаётган спортчилар сайланмаси ўсмирлар ёш гуруҳига тааллуқли бўлганлиги сабабли, башорат қилиш мумкинки, ёш улғайган сари ва организм ривожланиб бориши билан ҚМХ яна ошади. Текширилган яккакурашчилар орасида PWC_{170} тести бўйича энг юқори жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичлари 10 нафар истиқболли спортчиларда аниқланди. Энг юқори жисмоний ишчанлик қобилияти Ашуровда аниқланди - 2094,4 кг/м/мин ёки 349 ватт, Нормуродовда - 2021,4 кг/м/мин ёки 336,9 ватт (1-жадвалга қаранг). Ушбу спортчиларда ҚМЎнинг энг юқори кўрсаткичлари аниқланди. Нормуродовда ҚМЎнинг мутлақ қиймати 5,51 л/мин, нисбий қиймати эса 84,8 мл/кг/минутни, Ашуровда мутлақ қийматлар 5,67 л/минут, нисбий қиймат 70,09 мл/кг/минутни ташкил этди. Аниқланишича, улар белгиланган машғулот дастурига шахсий ташаббуслари билан ҳар кунлик 5 км га кросс югуришни киритишган.

Айнан шундай ёндашув спортчиларга нафақат жисмоний ишчанлик қобилияти кўрсаткичлари бўйича, балки ҚМЎ қийматлари бўйича ҳам юқори натижани таъминлаган, бу эса спортчилар организмнинг юқори аэроб имкониятларидан дарак беради. Жисмоний ишчанлик қобилияти Боймуровда 1606,6 мл/кг/мин, Султонмуродовда 1654,3 мл/кг/мин, Жонкелдиевда 1663,7 мл/кг/мин, Эшмуровда 1675,7 мл/кг/мин атрофида ўзгариб турди, бу ёш яккакурашчиларнинг катта функционал имкониятларидан далолатдир. Жисмоний ишчанлик қобилиятининг 1577,3 дан 1587 мл/кг/мин атрофидаги қийматлари Рўзиқулов ва Ураловларда аниқланди. Ва, ниҳоят, катта захира имкониятларига эга истиқболли спортчилар қаторига киритиш мумкин бўлган яккакурашчиларда қуйидаги қийматлар аниқланди: Кенгашев - 1440,7 кг/ /м/мин, Исматов - 1443,7 кг/м/мин, Махмудов - 1568,07 кг/м/мин, Абдурасулов - 1465,4 кг/м/мин, қолган спортчиларда PWC_{170} бўйича ўзгариш чегараси 1161,2 дан 1388,7 кг/м/минутни ташкил этди. Биз томонииздан текширилган гуруҳ ўсмирлар гуруҳига тааллуқли эканлигини инobatга олиб, машғулот жараёнини жадаллаштириш, юкламалар ҳажмини ошириш мумкин ва спортчилар чуқурлаштирилган ихтисослашув босқичига яқинлашган, демакки, уларни яна машқ қилдириш ва энг юқори натижалар ҳали олдинда, деб ҳисоблаш мумкин.

Кислородни максимал ўзлаштириш (ҚМЎ) энг ахборотли физиологик кўрсаткич ҳисобланади. Бу организмни кислород билан таъминловчи барча тизимларнинг ишчанлик қобилиятининг интеграл кўрсаткичидир. ҚМЎ катталиги, биринчи галда, ташқи нафас тизимининг функционал ҳолати, ўпканинг диффуз қобилияти ва ўпкада қон айланишига тўғридан-тўғри боғлиқ.

1-жадвал
Юқори малакали яккакурашчиларнинг жисмоний ишчанлик қобилияти ва аэроб имкониятлари кўрсаткичлари

№	Ф.И.Ш	Жисмоний ривожланиш			Юқлама шиддати, кг/м/мин		Жисмоний ишчанлик қобилияти кг/м/мин		ЎТС	ГСТИ	КМЎ л/мин	КМЎ мл/кг/мин	Ўнг қўл диномометрияси		Чап қўл диномометрияси	
		Бўй, см	Вазн кг	ВБИ- кг/см	1- юқлама	2-юқлама	РWC- кг/м/мин	РWC- ватт					N-1	N-2	N-1	N-2
1.	Нормуродов.А	180	62	344,4	732,6	1008,3	1388,7	231,4	3,0	156,2	4,12	66,5	45	40	35	35
2.	Элларов. М	177	89	502,8	1260,0	1270,3	1278,9	213,08	3,5	110,2	3,88	43,6	55	54	54	55
3.	Абдурашодов. С	180	75	416,6	912,6	1228,5	1465,4	244,6	5,6	110,2	4,29	57,25	51	45	47	48
4.	Рузиқулов. Л	169	65	384,6	798,5	1041,8	1577,3	262,8	3,5	125	4,54	69,8	44	45	43	43
5.	Нормуродов Қ	170	65	382,3	836,5	1125,5	2021,4	336,9	4,0	131,0	5,57	84,8	36	40	35	36
6.	Ашуров. О	177	81	457,6	957,1	1137,3	2094,4	349,0	4,4	100	5,67	70,09	48	48	50	46
7.	Исмаилов. С	176	80	454,5	1104,4	1575,9	1443,7	240,6	5,3	93,7	4,24	53,0	45	50	46	48
8.	Султамуродов. Қ	170	69	405,8	807,3	817,5	1654,81	275,8	4,1	123	3,41	68,2	41	40	33	35
9.	Ақбаров Н	170	63	370,5	958,2	1009,8	1064,5	177,4	3,5	113,6	3,41	54,15	40,4	51	40	50
10.	Кенгашов Қ	179	73	407,8	1067,6	1264,0	1440,7	240,1	4,4	110,2	4,23	58,07	39	33	38	33
11.	Тухтаев. А	167	57	341,3	646,8	933,6	1044,8	174,1	4,3	113,6	3,36	59,08	36	35	34	26
12.	Маматқулов А	172	57	331,3	893,6	1133,73	1313,8	218,9	3,5	107,9	3,96	69,47	30,0	38	33,0	35
13.	Юсулов.Ж	181	71	392,2	764,2	1148	1129,4	188,2	4	119,0	3,55	50,06	41	33	45	40
14.	Давронов А	175	54	311,4	701,4	1058,07	1315,58	219,2	3,7	98,68	3,96	75,7	38	42	38	37
15.	Боймуродов Ш	175	67	382,8	823,09	1262,08	1606,68	267,78	3,5	108	4,60	68,72	32	35	36	36
16.	Эргашев Б	165	67	406,06	1081,78	1230,72	1274,25	212,4	4,0	106,3	3,87	57,8	36	34	38	36
17.	Эшонқулов. Х	160	58	362,5	841,46	1017,09	1161,25	193,5	2,7	106,3	3,62	62,4	38	34	37	40
18.	Туламуродов И	169	67	396,4	440,68	1222,8	1269,72	211,62	3,4	120,9	3,86	57,66	33	40	35	44
19.	Эшмуродов Б	178	68	382,0	914,94	1272,96	1675,69	279,28	3,4	102,7	4,75	69,94	30	32	33	40
20.	Уралов О	174	83	477,0	1223,58	1524,62	1587,23	264,5	3,7	120,96	4,56	54,9	39	48	37	44
21.	Турапов. М	170	63	370,58	803,43	1076,16	1365,25	227,5	3,7	114,5	4,07	64,6	30	34	34	34
22.	Махмудов.З	184	76	415,0	1067,6	1241,9	1587,73	267,8	3,5	100,4	4,54	67,8	40	44	42	42
23.	Жонқелдиев.С	110	72	423,52	842,4	1053,0	1663,7	277,29	3,5	113,6	4,70	65,69	40	43	42	45
	$\bar{X} \pm \sigma$	170,8± 18,05	68,8± 8,2	396,48± 41,99	890,42± 20,2,33	1558,55± 147,06	1434,97± 197,44	237,19± 34,72	3,8±0,4	113,9± 6,9	4,26± 0,45	62,6±7,19	39,4± 4,07	40,8± 5,03	39,3± 3,6	40,3± 5,2

Изох: ВБИ- вазн-бўй индекси; РWC₁₇₀- жисмоний ишчанлик қобилияти; ЎТС-ўпканинг тириклик сифими; ГСТИ – Гарвард степ-тести индекси; КМЎ-кислороднинг максимал ўзлаштирилиши; N-1 – I-юқламадан кейин; N-2 – II -юқламадан кейин.

Бизнинг тадқиқотларимизда текширилган яккакурашчилар гуруҳларида КМЎ кўрсаткичлари жисмоний ишчанлик қобилияти қийматлари билан бевосита боғлиқ. Кўпчилик яккакурашчилар учун КМЎнинг ўртача қийматлари аниқланди, улар 4,60-4,75 мл/кг/мин атрофида ўзгариб туради. Бироқ айрим спортчиларда КМЎнинг паст қийматлари ҳам қайд қилинди, уларнинг ўзгариб туриш чегараси 3,4 л/мин дан 3,7 л/мин гача бўлиб, жисмоний ишчанлик қобилияти юқори бўлди (Эшмуродов, Боймуродов, Жонкелдиевларда). Бу каби яккакурашчиларда уларнинг машғулот жараёнига энгил атлетикадан олинган машқларни қўшиш ҳисобига организмнинг аэроб имкониятларини ошириш зарур, хусусан, югуриш масофасини аста-секин ошириб бориш билан югуришни тавсия этиш мумкин. Нафас олиш тизимининг махсус юкламаларни бажаришга мослашувчанлигини ифодалаш учун 1 кг вазнга нисбатан кислород (O_2) истеъмол қилиш катталиги муҳим аҳамиятга эга. КМЎ нинг ушбу кўрсаткичлари нафас олиш тизимининг ҳолатини тўғридан-тўғри акс эттиради, мувофиқ равишда чидамлилиқ сифатини ривожлантириш асоси ҳисобланади.

Яккакураш спорти фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, яъни унинг маълум бир чегараланган вақт давомида ўтишини инобатга олиб, айтиш мумкинки, у диққатни максимал даражада жамлашни ва яккакурашчилардан ҳужум, ҳимояланиш ҳамда қарши ҳужум усулларини аниқ ижро этишни талаб қилади. Шу сабабли спортчилар организмнинг аэроб имкониятлари билан бирга, анаэроб имкониятларини ҳам ривожлантириш керак. Яккакурашчилар организмнинг функционал имкониятлари тўхтовсиз ўсиб борганда, кўникма ва малакалар мунтазам кенгайиб, такомиллашиб борганда, умумий ва ҳаракатланиш маданияти ошиб боргандагина турон яккакурашида ўсишга эришиш мумкин. Жисмоний сифатларнинг ривожланиш даражаси оқилона техника талабларига бўйсундирилиши керак, яъни куч машқларини ортиқча қўллаш эгилувчанликни ёки организмнинг аэроб имкониятларини ривожлантиришни талаб қилувчи машқларнинг ўзлаштирилишини секинлаштириши мумкин. Яккакурашчилар фаолияти муваффақияти жисмоний сифатлардан бирининг устувор ривожланишисиз мумкин бўлмаслиги туфайли турондаги умумий тайёргарлик машқлари доирасини хилма-хил қилиб ўзгартириш лозим. Бироқ юкламаларга мослашишнинг физиологик омилларини шакллантириш учун мураббийларга спортчиларда аэроб имкониятларни ривожлантиришни тавсия этиш мумкин, чунки аэроб имкониятлар юқори даражада бўлганда чидамлилиқни ривожлантириш имкони пайдо бўлади. Машғулотлар тугагандан сўнг яккакурашчиларда гемодинамика кўрсаткичининг тикланиш вақтини таҳлил қилаётиб, биз шуни аниқладикки, 3-минутдан кейин спортчиларнинг айрим қисмида тўлиқ тикланиш содир бўлмади. Шиддатли юкламалар давом этганда спортчиларда сурункали толиқишнинг ривожланишини кузатиш мумкин ва спортчилар кейинги машғулотларга тикланиб улгурмаган ҳолатда келишади. Спортчилар организмни тиббий-боилогик воситалар орқали тиклашнинг кўпгина йўллари мавжуд. Бироқ яккакураш спорт турларидаги машғулотларнинг

Ўзига хос хусусиятларини инобатга ола туриб, тикланишнинг педагогик воситаси сифатида мураббийларга машғулотлардан сўнг томир уриши минутига 130-135 зарба бўлган шароитда 25-30 минут давомидаги кам шиддатли югуриш машқларини киритиш тавсия қилинади. Спортчилар организмининг энергия билан таъминлашнинг бундай режими функционал имкониятларнинг, демакки, яккакурашчиларнинг жисмоний ишчанлик қобилиятининг ошишига ёрдам беради. КМЎ кўрсаткичлари паст ва ўртача даражада бўлган спортчиларда енгил атлетика юкламаларидан фойдаланган ҳолда уларнинг аэроб имкониятларини ошириб бориш мураббийларга тавсия қилинди, бу юқори натижаларни барқарор таъминлаб беради.

Антропометрик маълумотларнинг таҳлили яккакурашчиларда вазн тоифаси ўсиб бориши билан улар танасининг мутлақ ва нисбий ўлчамлари ортиб боришини кўрсатди. Вазн тоифасига қараб параллел равишда тана узунлиги ҳам ўзгаради, кейин (аҳамиятлилигига кўра) оёқ, қўл, тана, сон, болдир, елка, панжа узунлиги ўзгаради. Тана парциал ўлчамларининг таҳлили шуни кўрсатадики, вариативлик коэффициенти қийматлари бўйича барча белгиларни учта гуруҳга ажратиш мумкин. Юқори даражада ўзгаришга учрайдиган белгилар бу 4 та: елка орқа юзаси, курак ости, биқин ва қориндан олинган тери-ёғ қатламлари кўрсаткичларидир. Бу ерда вариативлик коэффициенти кўрсаткичи ($V=40,2-50,9\%$) атрофида ўзгариб туради.

Тотал белгиларнинг таҳлили тана оғирлиги белгисининг тана узунлигига нисбатан ўзгарувчанлигини аниқлаб берди (2-жадвалга қаранг). Энг кичик вариативлик фоизи тана узунлиги учун аниқланди. Тана узунлиги бўйича вариация коэффициенти кўрсаткичи оғир вазнлиларда $V=3,3\%$ ни, тана оғирлиги бўйича эса $V=11,7\%$ ни ташкил этди. Эътироф этиш жоизки, вазн тоифасига қараб енгил ва ўрта вазндаги спортчиларда қўл узунлиги $77,7\pm 2,5$, бунда $V=3,2\%$ га тенг, оёқ узунлиги $-93,3\pm 2,9$, $V=3,1\%$. Ўрта вазндаги яккакурашчиларда қўл узунлиги $-77,3\pm 3,7$, $V=4,8\%$, оёқ узунлиги $-90,9\pm 3,9$, $V=4,3\%$. Оғир вазндаги спортчиларда, енгил ва ўрта вазнлиларга қараганда, қўл ҳамда оёқ узунлиги бўйича сезиларли фарқ аниқланди. Қўл узунлиги $-7,8\pm 2,8$, оёқ узунлиги эса $-93,3\pm 5,2$, бунда $V=5,6\%$ га тенг.

Биз текширилаётган яккакурашчилар гуруҳларида тана узунлигини таҳлил қилдик. Тана узунлиги бўйича фарқ нафақат оёқ узунлиги ҳисобига, балки тана узунлиги ҳисобига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланди. Енгил вазндаги спортчиларда тана узунлиги $89,3\pm 1,5$ см, бунда $V=1,7\%$, ўрта вазндаги яккакурашчиларда $-94,0\pm 6,4$, бунда $V=3,6\%$ ва оғир вазндаги спортчиларда $-94,5\pm 4,9$, бунда $V=5,2\%$ га тенг. Бу ерда тана узунлигининг аниқ ошиб бориши кузатилади. Эътироф этиш керакки, морфологик белгиларнинг вариативлиги оғир вазн тоифасидаги яккакурашчиларда катта. Шу билан бирга, яккакурашчиларда айрим ўлчам белгиларининг ҳам (елкалар кенглиги, тос кенглиги) спортчилар вазн тоифаларига қараб ўзгариб туриши сақланиб қолади. Масалан, енгил вазндаги спортчиларда елка кенглиги $35,7\pm 14,5$ ни, бунда $V=4,5$ га тенг, тос кенглиги $27,8\pm 1,0$ ни ташкил қилади, бунда $V=3,7\%$ га тенг. Ўрта вазндаги яккакурашчиларда елка

кенглиги - $45 \pm 2,9$ га, $V=7,5\%$ га тенг, тос кенглиги эса $33,5 \pm 2,3$ га тенг, яъни бу белгилар вазн тоифасига қараб ўзгариб туради. Ўртадан юқори ўзгарувчанлик тананинг айлана ўлчамлари, жумладан, елка, билак, сон, болдир айланалари учун аниқланди: елка учун - $V=18,7\%$, билак - $V=18,6\%$, сон - $V=18,6\%$, болдир - $V=23,6\%$.

Айни пайтда эътироф этиш лозимки, яккакурашчиларда панжа катталиги ҳар хил ўзгаради. Масалан, 48 дан 55 кг гача бўлган вазнда (енгил ва ўрта вазн тоифасидаги спортчиларда) калта, деб баҳоланди, 76 кг дан юқори вазнга эга спортчиларда панжа узунлиги ўсиб боради. Олинган маълумотлар таҳлили шуни қайд этишга имкон бердики, турон яккакураши билан шуғулланувчи спортчиларда болдир, билак узунлиги бўйича фарқлар аниқланмади. Масалан, енгил вазндаги яккакурашчиларда болдир узунлиги $-41,3 \pm 1,1$, ўрта вазнлиларда - $42,5 \pm 3,9$, оғир вазндаги спортчиларда - $41,5 \pm 2,9$. Билак узунлиги енгил вазндаги спортчиларда $27,3 \pm 2,1$, бунда $V=2,8$, ўрта вазндаги яккакурашчиларда - $26,2 \pm 1,4$ ва оғир вазндаги спортчиларда $-27,2 \pm 1,9$. Ушбу ҳолда болдир узунлиги каби билак узунлиги ҳам вазн тоифасига боғлиқ эмас ва бу далилни турон яккакураш спортига саралашда эътиборга олиш мумкин. Оғир вазндаги спортчиларнинг елка узунлиги ва билак узунлиги кўрсаткичлари бундан мустасно бўлиб, уларда елка узунлиги устунроқ, айни пайтда билак узунлиги катталиги кичикроқ. Ундан ташқари, енгил вазндаги яккакурашчиларда сон узунлиги $48 \pm 2,0$ га тенг, ўрта вазндаги спортчиларда - $45,9 \pm 3,0$, оғир вазнлиларда - $47,3 \pm 3,4$. Оёқ узунлигига келсак, вазн тоифаси ортиб борган сари яккакурашчиларда у ўзгариб туради. Масалан, енгил вазн ва ўрта вазндаги яккакурашчиларда бу белги кам фарқ қилади, оғир вазнли спортчиларда эса фарқлар яққол аниқланади. Бу шундан далолат берадики, тана пропорциялари бўйича маълумотлар, афтидан, нафақат техник ҳаракатларни танлашга, балки уларни бажариш тузилмасига ҳам катта таъсир кўрсатади.

Турон яккакураш спорт тури билан шуғулланиш учун турли вазн тоифаларида морфологик белгилари бўйича саралаш хусусиятларини ўрганиш бу белгилар орасидаги фарқлар билан бирга ўхшашликларни ҳам аниқлаш имконини берди. Оёқлар билан зарба ҳаракатларини бажаришда техник ва жисмоний тайёргарлик бунинг учун яхши морфофункционал шарт-шароитларга (масалан, тос-сон бўғимларида юқорироқ эгиловчанликка) эга бўлган ўсмир спортчиларда катта ёшдаги яккакурашчиларга нисбатан анча юқоридир, шу сабабли ҳар хил услубда курашувчи яккакурашчиларни тайёрлашда антропометрик кўрсаткичларни, хусусан, оёқлар, қўллар узунлигини инобатга олиш зарур. Лекин шуни тахмин қилиш мумкинки, сўнги йилларда яккакурашчиларни тайёрлаш айнан оёқлар билан хужум ҳаракатларининг ўзлаштирилиши ҳисобига яхшиланди. Яккакурашчиларнинг умумий морфологик кўринишини тузиш учун интегратив антропометрик белгилар сифатида тана узунлиги ва оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси, болдир ҳамда билак узунлиги ва айланаси, тана узунлигини ажратиб олиш мумкин.

Диссертациянинг **“Спорт такомиллашуви босқичида яккакурашчиларнинг морфофункционал хусусиятларини ҳисобга олган**

